O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Ishonch

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

http://www.ishonch-doveric.uz

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

2012-yil 26-yanvar № 13 (3050) payshanba

Янги кун янгиликлари

Пойтахтимиздаги «Bultex Eurostar» масъулияти чекланган жамиятида турли хилдаги болалар кийимлари ишлаб чиқарилмоқда. Маҳсулотнинг 80 фоизи хорижий давлатларга экспорт қилинаётгани улар сифатининг жаҳон андозаларига мос эканидан далолат беради.

— Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши тасарруфидаги касаба уюшма қўмитамизга 350 нафар ходимнинг барчаси аъзо қилинган, — дейди корхона касаба уюшма қўмитаси раиси Ольга Тий. — Уларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатлари жамоа шартномасида тўла акс этган.

Айни кунларда корхонанинг Чирчиқ шаҳрида 1000 ўринга мўлжалланган янги биноси фойдаланишга топширилиш арафасида.

Суратларда: *корхона мутахассиси Феруза Ҳакимова шогирдлари С.Бобожонова ҳамда Д.Содиқова билан; кесувчи Фурқат Бойметов иш устида.*

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Бу ҳақда Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида гапирилган эди

Мамлакатимизда рақобатбардош, экспортбоп ва импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилган инвестиция сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш саноатни барқарор ва мувозанатли ривожлантириш, унинг тармоқларини диверсификация қилиш имконини бермоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги аниқ мақсадли ишларни бажаришга хизмат қилмоқда.

Мамлакат ялпи ички маҳсулотида саноатнинг улуши барқарор ўсиб бормоқда. Бунга нефт-газ, машинасозлик, электр техника, кимё, металлургия саноатида ўнлаб йирик янги корхоналарнинг барпо этилаётгани туфайли эришилмоқда. Ушбу корхоналарга асосий ишлаб чиқариш фондининг 40 фоиздан ортиғи жалб қилинган ва уларда бир миллиондан ортиқ меҳнатга лаёқатли аҳолининг иш билан бандлиги таъминланган. Ўзбекистон Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши раиси Гулбаҳор ҲАКИМОВА билан суҳбатимиз мамлакатимиз саноат корхоналарида ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоялаш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, иш ўринлари хавфсизлигини таъминлаш, ходимларнинг турмуш шароитини ўрганиш ва кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатиш, меҳнат муҳофазаси каби қатор йўналишларда олиб борилаётган ишлар хусусида бўлди.

Ислоҳот — инсон учун

— Юртбошимиз раҳнамолигида жамиятни демократлаштириш, мамлакатни ривожлантириш, модернизация қилиш ва янгилаш, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш борасидаги ислоҳотларнинг изчиллик билан амалга оширилиши, Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Инқирозга қарши чоралар доирасида мамлакатимизда макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланиши ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга замин яратмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йилнинг асосий якунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисида ўтган йили мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,3 фоизни ташкил этиб, 2000-2011 йиллар мобайнида ялпи ички маҳсулот ҳажми 2,1 баробар ошганлиги таъкидланди. Мазкур кўрсаткич бўйича Ўзбекистон дунёнинг иқтисодиёти жадал ривожланаётган мамлакатлари қаторидан жой олганлигини фахр билан қайд этиш жоиз.

Маърузада қайд этилганидек, жорий 2012 йилда иқтисодиётимизни диверсификация қилишни давом эттиришда ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга ошириш мўлжалланмоқда. Жумладан, Сурғил кони базасида Устюрт газ-кимё комплекси, Деҳқонобод калийли ўғитлар ва Қўнғирот сода заводларининг иккинчи навбатини, синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш заводини қуриш ишлари бошланади.

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, мамлакат қишлоқ хўжалигининг калийли ўғитларга бўлган эҳтиёжи бир йилда 110 минг тоннани ташкил қилади. Ваҳоланки, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи биринчи босқичининг йиллик ишлаб чиқариш қуввати 200 минг тоннани ташкил этади. Яъни корхона маҳсулотининг 45 фоизини жаҳон бозорида тобора ўсиб бораётган нархларда сотиш имкони туғилди.

Қизиқ бир ҳолат: юртимиз калий тузлари (сильвинит) захираси бўйича дунёда энг етакчи ўринлардан бирида турса-да, яқин кунларгача биз уларни қазиб олишнинг уддасидан чиқа олмасдик. Зеро, биргина Тепақўтон туз кони хазинасида 215 миллион тоннадан ортиқ сильвинит бўлишига қарамай, тоғ остида 250-700 метр чуқурликда ётган калий тузлари қатламигача етиб боришнинг сираям иложи йўқ эди. Юртбошимиз ташаббуси билан бу ишга муайян миқдорда маблағ ажратилиб, энг тажрибали лойиҳачилар ва пудратчилар ҳамда энг замонавий технологиялар жалб қилингач, Тепақўтон бағридаги хазинани қўлга киритиш учун зарур шароитлар яратилди.

Микёси жиҳатидан улкан, аҳамияти жиҳатидан эса ўта муҳим саналган Деҳқонобод калийли ўғитлар заводининг қурилиши бугунги кунда биргина юртимиз эмас, балки бутун дунё кимё саноатида рўй берган энг диққатга сазовор воқеалардан биридир. Зеро, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида сайёрамиздаги аксарият мамлакатларда мазкур соҳа (бошқа кўплаб тармоқлар сингари) жуда оғир аҳволга тушиб қолган бир пайтда Ўзбекистонда маъданли ўғитларнинг учта асосий туридан яна биттаси — калийли ўғитлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шу тариқа ҳам азотли, ҳам фосфорли, ҳам калийли ўғитлар ишлаб чиқариладиган саноқли давлатлар сафидан муносиб ўрин эгаллаяпмиз.

Албатта, бу муваффақиятлар замирида инсон омили ётади. Шунинг учун давлатимиз ҳам, саноатимиз дарғалари ҳам инсон омилини ривожлантиришга ҳар доим алоҳида эътибор қаратиб келади. Бу ўз навбатида, фуқаролик жамиятини барпо этишнинг ҳуқуқий ва меъёрий асослари такомиллаштирилиши, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг шакллантирилиши, иш берувчилар билан ходимлар вакиллик органлари ўртасида ижтимоий шериклик тамойили ҳуқуқий негизининг мустаҳкамланиши каби масалалар билан боғланиб, касаба уюшмалари ҳаракатининг янада ривожланиши учун замин яратмоқда.

Ўзбекистон Ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши мамлакатда изчиллик билан давом эттирилаётган иқтисодий, ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ислоҳотларнинг амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашиш, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси V ва тармоқ касаба уюшмасининг IV Қурултойлари қарорларини бажариш, «Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига бирлашган касаба уюшмаларининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги Ҳаракат дастури»ни амалга ошириш ҳамда касаба уюшма барча бўғинлари фаолиятини ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзгариб боришига мувофиқ равишда такомиллаштиришга эътибор қаратмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Аёлнинг бахти

2-бет

Меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби

2-бет

Дунё касаба уюшма ташкилотлари фаолиятидан

3-бет

Тажриба алмашиб

Ғиждувон туманида интенсив боғлар яратиш, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, томчилатиб суғоришни ташкил этиш, иссиқхоналар ва совутгичли сиғимлар қуришни кўпайтириш, замонавий молхоналар ҳамда сутни қайта ишлаш корхоналари фаолиятига кенг йўл очиш йўналишида тажриба ўрганиш ташкил этилди. Шу мақсадда 50 кишидан иборат мутахассис ва лойиҳа ташаббускорлари Самарқанд вилоятида бўлишди.

— Биз у ерда жуда кўп ибратли ишларни кўрдик. Айниқса, 180 гектарда ташкил этилган интенсив боғ эътиборимизни тортди, — дейди туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Нуриддин Маҳмудов. — Украинадан келтирилган олма кўчатлари иккинчи йилдаёқ гектаридан 200 центнердан ҳосил бераяпти. Кейинчалик унинг ҳосилдорлиги 700 центнерга етади. Кўчатлар томчилатиб суғорилади. Янгича усулда озиқлантирилади. Бундай самарали усулни қўллашга киришдик. «Азамат Идиев» фермер хўжалиги 100 гектар, «Садбарг» хусусий фирмаси 200 гектар боғ яратишга киришди.

Иззатулла ҲОЖИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Меҳр кўзда

Қибрай туманида пойтахт вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши фаолларининг фуқаролар билан учрашуви ўтказилди. Унда касаба уюшма ташкилотлари томонидан меҳнаткашлар манфаатини ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ахборот, шунингдек, корхона, ташкилот ҳамда муассасаларда меҳнат муҳофазасига риоя этиш ҳамда иш жойларини талаб даражасида тартибга келтириш бўйича батафсил тушунчалар берилди.

Учрашув савол-жавоб ҳамда очиқ мулоқот тарзида кечди.

Ўз мухбиримиз

Ўлкамизда кумуш қиш фасли давом этаётган бўлса-да, деҳқон хўжаликлари, сабзавотчилар ва иссиқхонада ҳосил етиштирувчилар учун уруғни саралаш, уни экишга тайёрлаш ишлари давом этмоқда. Картошка етиштирувчи сабзавотчилар ҳозирданоқ уруғни саралаб, иссиқ жойга қўйиши лозим.

Сабзавотчиликка кредитлар

«Агробанк»нинг Улуғнор тумани филиали жамоаси ҳам айни кунларда сабзавот уруғлари сотиб олиш учун деҳқонларга кредитлар ажратмоқда. Жумладан, полиз ва сабзавотчилик уруғи етказиб бериш учун 4 та хонадонга 21 млн. сўм, енгил конструкцияли ва муқобил иссиқлик манбаида ишлайдиган иссиқхоналар қуриш учун 20 та хонадонга 80 млн. сўм миқдорида кредит ажратилди. Шунингдек, аҳолининг ўз маблағлари ҳисобидан ҳам ана шундай 16 та иссиқхоналар қурилди. Аҳоли томорқаларига боғорги кўчат экиш мавсумида ҳам кредитлар бериш режалаштирилган.

Абдулҳай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Навбат республика босқичига

■ **Сардорбек МЎМИНОВ, ИҲҲҚ ва ЮТБ Оммавий ахборот воситалари билан алоқа қилиш бўлими инспектори, лейтенант**

Президентимизнинг «Республика ички ишлар идоралари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги фармони ҳамда соҳага оид бошқа қарорлар ижросини таъминлаш мақсадида Ички ишлар вазирлиги турли вазирлик ва ташкилотлар билан ҳамкорлигида қатор кўрик-танловлар ўтказиб келмоқда. 5-15 январ кунлари жойларда турли номинациялар бўйича «Энг намунали милиция таянч пункти» кўрик-танловининг Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлардаги босқичлари бўлиб ўтди.

— Мунтазам равишда ўтказиб келинаётган «Намунали милиция таянч пункти» кўрик-танлови ходимларимизнинг касб маҳоратини оширишга замин яратаяпти, — деди ИИВ Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси матбуот котиби, подполковник Улуғбек Туймабоев. — Барча ҳудудлардан қатнашаётган илғор профилактика инспекторларимиз тажрибаси бошқа ҳудудларга татбиқ этилмоқда.

Кўрик-танловда жойлардаги ИИБ таянч пунктлари ходимлари ҳамда маҳалла фуқаролар йиғини фаолларининг «Энг маҳоратли профилактика инспектори», «Ёш авлод ҳимоячиси», «Энг фидойи маҳалла раиси», «Ташаббускор маҳалла посбони», «Фаол маърифатпарвар маслаҳатчи», «Ибратли хотин-қизлар комиссияси раиси», «Адолатли Яраштириш комиссияси», «Милиция таянч пунктлари инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича энг фаол ҳоким» номинациялари бўйича ишлари баҳоланди. Ички ишлар, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирликлари, «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Маънавият тарғибот маркази ходимларидан иборат комиссия танлов ғолибларини аниқлади.

— Республикамизда фаолият кўрсатаётган 3500 дан ортиқ МТПдан бири бизнинг таянч пунктимиз, — дейди Бекобод шаҳар «Ўзбекистон» маҳаласида жойлашган 34-сонли МТП профилактика инспектори, капитан Урозали Фозилов. — Ўтган йили ҳудудимизда ҳеч қандай жиноятчилик содир этилмади. Бу эса ушбу кўрик-танловнинг вилоят босқичида ғолиб бўлишимизга замин яратди.

Шундай қилиб, танловда Учтепа туманидаги 21-, Бекобод шаҳридаги 34-, Пахтачи туманидаги 250-, Мирзаобод туманидаги 92-, Когон шаҳридаги 53-, Қува тумани 297-, Андижон шаҳридаги 1-, Наманган шаҳридаги 73-, Термиз туманидаги 18-, Қарши шаҳридаги 291-, Урганч шаҳридаги 25-, Қўнғирот туманидаги 100-, Зарафшон шаҳридаги 16- ҳамда Жиззах шаҳридаги 27-сонли ИИБ милиция таянч пунктлари ғолиб деб топилиб, республика босқичига йўлланма олишди.

Ishonch
2012-yil 26-yanvar № 13 (3050)

Ислоҳот — инсон учун



(Давоми. Боши 1-бетда)

Тармоқлар ва корхоналар даражасида ижтимоий шерикликни кучайтириш ва жамоавий-шартномавий муносабатларни мустаҳкамлаш борасида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилди. Марказий кенгаш билан барча тармоқлар бошқаруви ўртасида амалдаги меҳнат қонунчилигига мувофиқ тармоқ келишувлари тузилиб, нефт ва газ, энергетика ҳамда кимё саноати тармоқлари билан тариф келишувлари тузилишига эришилди. Тармоқ тариф келишувлари асосида тизимдаги барча корхона ва ташкилотлар жамоа шартномалари билан тўлиқ қамраб олинди. Келишув ва жамоа шартномаларининг сифати ҳамда таъсирчанлиги кучайтирилиб, уларнинг ижросини мунтазам равишда таҳлил ва назорат қилиб борувчи меҳнат консултациялари тизими йўлга қўйилди.

Ходимларнинг меҳнат муносабатлари доирасидаги ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашда касаба уюмаларининг эътибори иш берувчилар билан ижтимоий шериклик асосида қонунчиликда кўзда тутилган меъёрлар ва талабларни келишув ва жамоа шартномалари орқали амалиётга жорий этишга қаратилди. Жамоа шартномаларига киритилган ҳар бир мажбурият, имтиёз ва кафолатлар, шунингдек, иш ҳақининг энг кам миқдори, тариф ставкалари ва коэффициентлари, устама ва қўшимча тўловлар, разрядлар, турли рағбатлантириш тўловлари ҳамда уларнинг аниқ миқдорлари бевосита иш берувчилар билан музокаралар жараёнида шакллантирилишига эришилди.

Биргина, қарийб 1200 нафар ходим меҳнат қиладиган Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи ишчи-хизматчиларини ижтимоий-иқтисодий, маданий-маиший ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашни кучайтириш юзасидан комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ва уларнинг ижросини назорат қилиб бориш бўйича «Ўзкимёсаноат» давлат акциядорлик компанияси бошқаруви ва Марказий кенгаш раёсатининг 2011 йил 19 мартдаги қўшма қарори асосида икки томонлама комиссия тузилган. Комиссия томонидан 2011 йилнинг 22-26 март кунлари завод ходимларини ижтимоий-иқтисодий, маданий-маиший ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш борасида амалга оширилаётган ишлар ўрганиб чиқилди. Жумладан, корхона жамоа шартномасининг тузилиши, мазмуни, ижроси ва назорати, меҳнатга ҳақ тўлашни ташкил қилиш ва ишчи кучини баҳолаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик қоидаларига оид қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар талабларига амал қилиниши ҳамда назоратга олинганлиги, ишчилар учун яратилган шароит ва имтиёзлар каби қатор масалалар таҳлил қилинди. Завод цехлари ва хом ашё олинаётган 45 км. узоқликдаги конда, қарийб 400 метр ер остида вахта усулида ишлаётган ва кунига 30 минг тоннагача калийли руда қазиб олаётган ишчиларнинг меҳнат шароити, яшаш, ҳордиқ чиқариш ва маиший шароитлари, улар учун яратилган имтиёзлар ўрганилиб тегишли тавсиялар берилди.

Ўрганиш ва таҳлиллар натижалари бўйича мавжуд имкониятлар, корхонанинг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятининг натижалари, истиқболдаги режалардан келиб чиққан ҳолда ходимларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялашни кучайтириш бўйича 2011-2012 йиллар учун молиявий-иқтисодий жиҳатдан асосланган комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Тадбирларда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилди:

- ходимларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш ва ишчи кучини муносиб баҳолаш;
- хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш ва меҳнатни муҳофаза қилиш;
- бандликни таъминлаш, иш ва дам олиш вақтларини белгилаш;
- қўшимча ижтимоий имтиёзлар ва кафолатлар белгилаш;
- ходимларни моддий қўллаб-қувватлаш, уй-жой шароитларини яхшилаш, озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш;
- ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, маданий-маърифий ва спорт-соғломлаштириш тадбирларини амалга ошириш ва ҳ.к.

Шунингдек, тадбирлар доирасида «Қишлоққурилишинвест дастури» бўйича қурилаётган уй-жойларни харид қилишда ходимларга молиявий ёрдам кўрсатиш, ходимларни имтиёзли нархларда гўшт ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 2 минг бош қўй боқиладиган ёрдамчи хўжалик ташкил қилиш, 20 гектарли боғ яратиш ва қаторлар орасига сабзавот ҳамда полиз маҳсулотларини экиш режалаштирилган бўлиб, бу ишлар бошлаб юборилган. Умуман, ишлаб чиқилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун жами 6,5 млрд. сўмга яқин маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Шунингдек, 2006 йилда ишга туширилган, 1300 нафардан зиёд ходим меҳнат қиладиган Қўнғирот сода заводида ўртача ойлик иш ҳақи тармоқ миқёсидаги кўрсаткичдан 1,4 баробарга ортиқ бўлиб, 523,8 минг сўмга етказилган. Меҳнат шароити инобатга олинган ҳолда корхона ишчи-ходимларининг тариф ставкаларига оширувчи коэффициентлар қўлланилган ва бу тўловлар учун 276,8 млн. сўм сарфланган. Касбий маҳорат ва малакалари инобатга олинган ҳолда мутахассислар ва ишчиларга қўшимча тўловлар ва устамалар белгиланиб, бу тўловлар учун 1375 млн. сўм сарфланган. Балоғат ёшига етмаган ва уч ёшгача фарзанди бор аёлларга иш ҳақи сақланган ҳолда тўлиқсиз иш режими ўрнатилган ва бу мақсадлар учун 13,4 млн. сўм сарфланган. «Устошогирд» тизими доирасида Қўнғирот кимё саноати касб-ҳунар коллежининг 28 нафар битирувчиси корхонага ишга қабул қилинган.

Юртбошимиз иқтисодий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида юз бераётган тарихий ўзгаришларнинг аҳамиятини одамлар тушуниши кераклигини алоҳида таъкидлайди. «Ислоҳот ислоҳот учун эмас — инсон учун» деган ғоя шунчаки шиор эмаслигини, ҳар бир ўзгариш замирида, у қайси соҳада бўлмасин, инсон манфаатлари ётишини, иқтисодиётни модернизация қилиш ишлари, охироқибат, турмушимизни фаровон, дастурхонимизни тўкин қилишга олиб келишини халқимиз жуда яхши билади ва бунинг тасдиғини бугунги осуда ҳаётимиз мисолида кўриб турибди.

Шундай экан, тармоқ кенгашимиз томонидан фаолиятга янгича ёндашган ҳолда давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, энг оммавий жамоат ташкилотининг мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарадорлигига эришишдаги иштироки ва фаоллигини ошириш, бу орқали ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоясини кучайтириш масаласига бундан кейин ҳам алоҳида эътибор қаратилади.

«Ishonch» мухбири
Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ
ёзиб олди

Кўрик-танлов

■ **М.ТЎРАБОЕВА**

Бошланғич ташкилот етакчилари малакасини ошириш, уларга амалий ёрдам бериш касаба уюшмаларининг бирламчи вазифаси ҳисобланади. Шу мақсадда Хоразм вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ташкил қилинди.

Эътибор кучайтирилмоқда

Танловда қуйи ташкилотлар фаолияти яна бир бор таҳлил қилинди. Хива туман 97-махсус мактаб интернати касаба уюшма қўмитаси биринчи ўринга муносиб деб топилди. Боғот туман тиббиёт бирлашмаси ва Хива туман ҳокимлиги бошланғич ташкилотлари кейинги ўринларни қўлга киритди.

— Касаба уюшмалари тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган бундай тадбирлар бошланғич ташкилотлар фаолиятини янада жонлантирди, — дейди бирлашма ташкилий ишлар бўлими бошлиғи Озод Отажонов. — Шу боис уни ҳар йили ўтказилишга қарор қилдик.

Бандлик

■ **М. МУҲАММАДЖОНОВ**

Ҳамкорлик самараси

Фарғона гарнизони офицерлар уйида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари учун бўш иш ўринлари ярмаркаси бўлиб ўтди.

Шарқий ҳарбий округ ҳарбий прокуратураси ташаббуси билан Фарғона шаҳар бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, Шарқий ҳарбий округ штаби ҳамкорлигида ўтказилган ярмаркада корхона, ташкилот ва муассасалар 300 дан зиёд бўш иш ўринлари билан иштирок этишди. Унда 150 нафар иш билан банд бўлмаган фуқаро рўйхатга олиниб, турли йўналиш ва соҳалар бўйича 122 нафар ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари ва бошқа фуқароларни иш билан таъминлашга имконият яратилди.

Шунингдек, ярмаркада қатнашган юзлаб фуқароларга меҳнат қонунчилиги ва меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳуқуқий маслаҳат берилди.

Бошланғич ташкилот етакчилари

■ **Акмал АБДИЕВ,**
«Ishonch» мухбири

Сайёра Сафарова педагогика билим юртида ўқиб юрган пайтларидаёқ ташкилотчилик қобилияти билан ажралиб турарди. Қарши Давлат университетида ўқиётган кезлари эса талабалар ўртасида ўтган турли спорт мусобақаларида фаол иштирок этди, кўрик-танловлар, байрам тадбирларида тенгдошлари орасида етакчи бўлди.

Аёлнинг бахти

Туғма етакчилик қобилияти, меҳнатсеварлиги, тиниб-тинчимаслиги туфайли ишлаган жойларида ҳам ҳурмат-эътибор топди, жамоа назарига тушди.

Айни пайтда Сайёра Сафарова Қарши шаҳридаги 45-ўрта умумтаълим мактаби касаба уюшма қўмитаси раиси. 2007 йилда ишга тушган таълим муассасасида ўқувчилар томонидан барпо этилган «Янги авлод боғи», Мустақилликнинг 20 йиллигига бағишлаб асос солинган «Устозлар боғи» ҳам айнан касаба уюшма етакчисининг саъй-ҳаракатлари мевасидир.

Сайёра опа мактабда бошланғич синф ўқувчиларига сабоқ беради.

— Унинг дарс ўтиш маҳоратига қойил қоламан, — дейди ҳамкасби, она тили ва адабиёт ўқитувчиси Марҳабо Очилова. — С.Сафаровани кўпчилик ёшлар ўзимизга устоз деб биламиз ва у кишидан кўп нарса ўрганамиз. Дарсларни қалбдан, ноанъанавий усуллардан фойдаланган ҳолда ўтади. Ҳар бир ўқувчи мавзуни тез ва осон ўзлаштиради. Кўпчилик ота-оналарнинг «Фарзандимни Сайёрахон ўқитсин», дея у кишига интилиши бежиз эмас.

Қолаверса, касабақўм сифатида ҳам жамоа орасида обрўйи баланд. Бирор ходим ишга келмай қолса, албатта, уйига бориб хабар олади, муаммоси бўлса қўлидан келганча кўмаклашади. Тўй ва байрам тадбирларида бош-қош бўлади.

— Сайёра Сафарова билан тенгдошмиз, — дейди мактабнинг география фани ўқитувчиси Соҳиба Тўланова. — Аммо ундаги ғайрат-шижоат худди ёшлардаги каби... Ҳамма ишга улгуради, ҳеч бир юмушни чала қилмайди. Хуллас, барчамизга ўрнак ва фидойи...

— Мактабимизда «Алфа-тренинг» шўъба корхонасига қарашли ҳарбий-спорт синфлари ҳам фаолият юритади, — дея маълумот берди касабақўм. — Дарсдан кейин ҳарбий-спорт машғулотлари ўтказилади. Фарзандининг ҳарбий, ватан посбони бўлишини ихтиёр этган ота-оналаримиз бисёр. Шунинг учун бизга вилоят бўйича ўқувчилар келишади. Жамоамизда 50 нафардан ошиқ ходим меҳнат қилади.

Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоа шартномалари орқали қулайликлар яратиш маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси олдидаги энг устувор масала. Кам таъминланган ходимларни қўллаб-қувватлаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш тадбирлари белгиланган тартибда олиб борилмоқда.

Бундан ташқари, муассасамизда ходимларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш ишлари яхши йўлга қўйилган. Педагогларимиз халқ таълими ходимлари ўртасида ўтадиган спартакиадаларда шаҳар ва вилоят миқёсида фаол иштирок этиб келмоқда. Эркакларимиз ўтган йили стритбол, аёллар эса волейбол ва шахмат бўйича спартакиаданинг Қарши шаҳар босқичида совриндор бўлишди. Рус тили ўқитувчимиз Давлат Пирназаров яхшигина стол тенниси ўйнайди. Жисмоний тарбия ўқитувчиси Пўлат Муртазоев спорт ишларида бизга кўмакчи. Ўзим ҳам волейбол, стол теннисини жон-дилдан яхши кўраман...

«Аёлнинг уйида тинчи бўлса, ишида ҳам унум бўлади», дейишади. Сайёра Сафарова меҳрибон она, садоқатли умр йўлдоши, қўли ширин уй бекаси, йўқдан бор қиладиган изланувчан аёл.

— Болалигимда момомнинг қўлида тарбияланганман, — дея ҳикоя қилади қаҳрамонимиз. — Момом тўқувчиликдан хабардор, зеҳни ўткир, зукко, меҳнаткаш аёл бўлгани учун менга ҳам жуда кўп нарсаларни ўргатган. Ҳозир бўш вақт бўлди дегунча ҳар хил пириқлар пишираман, турли иссиқ кийимлар тўқийман. Қизларим Малика ва Моҳинур ҳам бичиш-тикиш, тўқиш ва пазандаликка қизиқишади. Турмуш ўртоғим энг яқин маслаҳатчим...

Жамоасини, оиласини севган аёл кўп ишга қодир. У асло чарчамайди, фақат эзгу ишлардан қувват олади...

■ **Чори ҚОДИРОВ,**
Навоий вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими мудири

Муҳофаза яхшиланади

Меҳнат муҳофазаси талабларига тўла амал қилмаслик турли кўнгилсиз ҳолатларга сабаб бўлади. Навоий «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси тизимидаги пахта тозалаш корхоналари бунга мисол бўла олади.

2011 йилда тизимдаги пахта тозалаш корхоналарида гуруҳий ўлим, оғир тан жароҳатига сабаб бўлган бахтсиз ҳодисалар қайд қилинган. Ушбу ҳолатлар билан боғлиқ масала вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг раёсат йиғилишида ўрганиб чиқилди. Корхоналарда ишчи-хизматчиларга яратилган меҳнат шароитини қайта ўрганиш вазифаси белгиланди.

Ўтган йил 20-26 декабр кунлари бирлашма меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасининг меҳнат техник инспекцияси ҳамкорлигида тегишли корхоналарда бахтсиз ҳодисалар содир бўлишининг олдини олиш

Ўтган йил сабоқлари

масаласи муҳокама қилинди. Хусусан, Навоий «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмасига қарашли Хатирчи, Қизилтепа, Навбаҳор пахта тозалаш корхоналарида ишчи-ходимларнинг техника хавфсизлигига доир билимини ошириш ва ҳудудда хавфсиз меҳнат шароитлари яратиш масаласи ўрганиб чиқилди ва камчиликларни бартараф этиш ҳақида тегишли тавсиялар берилди. Ҳар бир жамоада ўқув-семинарлар ташкил этилиб, меҳнат муҳофазасига масъул бўлган ходимларнинг билими синовдан ўтказилди. Камчилик ва муаммоларнинг жойида ҳал этилиши таъминланди.

Келгусида бундай амалий кўмак вилоятдаги барча ташкилот ва корхоналарда навбатма-навбат ўтказиб борилади.

Меҳнат шартномасини бекор қилиш тартиби

Таҳририятимизга штат жадвали қисқариши, корхона-ташкилотнинг тугатилиши, меҳнат шартномасини ходим ёки иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиш жараёнида қонунчилик меъёрлари бузилишига йўл қўйилаётгани ҳақида мурожаатлар келиб тушмоқда. Бунга баъзи корхона, ташкилотлар раҳбарларининг Меҳнат кодекси талабларини яхши билмаслиги сабаб бўлаяпти. Бухоро вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мудири Икром Тошов билан суҳбатимиз шу мавзуда кечди.

— Иш берувчи ёки ходим ихтиёрига боғлиқ бўлмаган ҳолларда меҳнат шартномасини бекор қилиш, жумладан, штат жадвалининг қисқариши натижасида ходимни ишдан бўшатишда меҳнат қонунчилигининг маълум нормаларига амал қилиниши керак, — дейди И. Тошов. — Мисол учун, ўтган йили бирлашмамизга Бухоро шаҳар мудофаа ишлари бўлими инспектори лавозимида ишлаб келган Зайнаб Мутагарова штат жадвали қисқартирилиши муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилинишида компенсация тўловлари берилмаётганлиги тўғрисида мурожаат қилди. Мудофаа ишлари бўлими маъмурияти билан ушбу масалада олиб борилган музокаралар натижасида МКнинг 109-моддасига асосан ходимнинг ҳуқуқлари тикланиб, унга 1 млн. 758 минг 935 сўм ундириб берилди.

Вилоят Ўқувчи ёшлар техник ижодиёти маркази собиқ 24 нафар ходимининг шикояти ҳам шунга ўхшаш. Маълум бўлишича, Вазирлар Маҳкамасининг «Мактабдан ташқари таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда тегишли идораларнинг буйруқларига асосан МКнинг 100-моддаси 2-қисми 1-банди билан ходимларнинг меҳнат шартномалари бекор қилинган экан. Қонунга мувофиқ ходимларга икки ойлик огоҳлантириш муддати ҳам берилган. Бироқ шартномалар бекор қилингандан сўнг МКнинг 67-моддасида белгиланган кафолатли тўловлар ва 109-моддасига асосан ходимларнинг ўртача ойлик иш ҳақи миқдорида ишдан бўшатиш нафақаси тўланиши лозимлиги инобатга олинмаган.

Ваҳоланки, МКнинг 67-моддасида назарда тутилган моддий мадад олишга оид қўшимча кафолатлари, меҳнат шартномаси бекор қилингандан сўнгги иккинчи ва учинчи ойлар давомида ишга жойлашмаган тақдирда унга мазкур ойлар учун илгариги иш жойидан ўртача иш ҳақини тўлаш мажбурияти иш берувчига нисбатан сақланиб қолиши кўрсатиб ўтилган. Бу масалада вилоят молия ва халқ таълими бошқармаларига мурожаат қилдик. Натижада шикоятчиларга кафолатли тўловлар тўланишига эришилди.

— Меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан бекор қилинган ҳолатларда ҳам иш берувчи билан келишмовчиликлар бўлиб туради. Бу масалада ҳам атрофлича тўхталиб ўтсангиз.

— Меҳнат шартномасини ходим ташаббуси билан бекор қилиш тартиби МКнинг 99-моддасида белгилаб қўйилган. Унга асосан ходим икки ҳафта олдин иш берувчини ёзма равишда ишдан бўшаши ҳақида огоҳлантириши, огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ишни тўхтатишга ҳақли. Иш берувчи эса унга меҳнат дафтарчасини бериши ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиши зарур. Ходим огоҳлантириш муддати тугамасдан аризасини қайтариб олиши ҳам мумкин.

Ўтган йили Қоровулбозор тумани саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежи касбий таълим устаси лавозимида ишлаган Шавкат Бобожонов касаба уюшмаларига шу масалада мурожаат қилди. У коллеж маъмурияти томонидан огоҳлантириш муддати давомида аризани қайтариб олишга бўлган ҳуқуқи таъминланмасдан меҳнат шартномаси ноқонуний равишда бекор қилинганлигини ёзган. Мурожаат аризачининг иштирокида жойида ўрганилиб, у ишига қайта тикланди.

— Меҳнат шартномаси ноқонуний бекор қилинган ходимларни ишга тиклаш юзасидан яна қандай мурожаатлар ўрганиб чиқилган, бунга нималар сабаб бўляпти?

— Касаба уюшма ҳуқуқшунослари ҳар йили ўнлаб шу каби ишларни кўриб чиқади. Ходимнинг меҳнат ҳуқуқи бузилишига асосан бошланғич касаба уюшмаси раисининг қонунларни яхши билмаслиги ёки бефарқлиги сабаб бўлади. Раис шикоятчи ҳали суд ёки бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари, юқори касаба уюшма ташкилотига мурожаат этмасдан шикоятни чуқур ўрганиб чиқиши, унинг амалдаги қонунчиликка қанчалик мос эканига баҳо бериб, хулосасини ташкилот раҳбарига ёзма равишда тақдим қилиши лозим. Узоқ йиллик фаолиятим давомида қаерда бошланғич ташкилот яхши ишласа, ўша ерда ҳеч қандай шикоятга ўрин қолмаслигига амин бўлганман.

Жондор туман Хумин ҚФЙдаги «Болиоб» МФЙда посбон вазифасида ишлаб келган Баҳодир Ниёзовнинг ишга тиклаш ва мажбурий прогул кунлари учун ҳақ ундириш тўғрисидаги мурожаати бунга мисол бўла олади. Шикоят касаба уюшмаси вакиллари иштирокида ФИБ Қоракўл туманлараро судида кўриб чиқилди. Маълум бўлишича, Б.Ниёзов ҚФЙ раиси М.Яхшиевнинг буйруғи билан 2011 йил 22 апрелдан бошлаб вазифасидан озод этилган.

«Маҳалла посбони» жамоат тузилмалари тўғрисида»ги Низомда ижобий тавсифланган шахсларни посбонликка қабул қилишда ва ўзларини салбий томондан намоён этган шахсларни посбонликдан чиқаришда ушбу маъмурий ҳудудга бириктирилган ИИБ ҳудудий инспекторининг фикри инобатга олинади, деб белгилаб қўйилган. Посбонларни тузилмага қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш фақатгина фуқаролар йиғини кенгашининг қарори асосида амалга оширилади.

Б.Ниёзовни вазифасидан озод қилишда йиғилиш қарори ва буйруқ чиқарилган. Бироқ ИИБ ҳудудий инспекторининг фикри инобатга олинганлиги тўғрисида маълумотлар йўқ.

МКнинг 100-моддасида меҳнат шартномасини иш берувчи ташаббуси билан бекор қилиш учун ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузганлиги асос бўлиши кўрсатилган. Шартномани бекор қилишга олиб келиши мумкин бўлган меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишларнинг рўйхати келтирилган.

Аммо Жондор туман Хумин ҚФЙда ички меҳнат тартиби қоидалари ишлаб чиқилмаган. Шунинг учун Б.Ниёзовни меҳнат интизомини мунтазам ёки қўпол равишда бузишда айблаш учун асос йўқ.

Бундан ташқари, шикоятчининг бир йил ичида интизомий жавобгарликка тортилганлиги тўғрисида ҳеч қандай ҳужжат мавжуд эмас. Б.Ниёзов ўз вазифасидан озод этилганлиги ҳақидаги буйруқ билан таништирилмаган. Ишдан озод қилинган кундан 2011 йил 23 августга қадар меҳнат дафтарчаси қайтариб берилмаган.

Ваҳоланки, меҳнат шартномаси бекор қилинган куни ходим ишда бўлмаган тақдирда, унга ўша куниёқ почта орқали меҳнат дафтарчасини олиб кетиш тўғрисида хат жўнатилиши лозим. Иш берувчи айби билан дафтарчани бериш кечиктирилса, бутун кечиктирилган давр учун ўртача иш ҳақи тўланади. Дафтарча берилган кун ишдан бўшаш куни ҳисобланади. Юқоридагиларга асосан Б.Ниёзов МК талабларига зид равишда ишдан бўшатилган. Яқинда ФИБ Қоракўл туманлараро судининг ҳал қилув қарорига асосан Б.Ниёзов ўз ишига қайта тикланиб, унга мажбурий прогул кунлари учун 1 млн. 432 минг 974 сўм ва маънавий зарар учун 200 минг сўм ундириб берилди.

Улуғбек ИБОДИНОВ
суҳбатлашди

Ўст хотираси

Маҳмуджон ИБОЕВ

Президентимиз ташаббуси билан 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинганини халқимиз хурсандчилик билан қарши олди. Оила бу Ватаннинг бир бўлаги. Соғлом турмуш тарзи, тўкин-сочинлик, бахтиёрлик янада чуқур илдиз отсин, деган ният билан ана шундай хайрли ном олди бу йил! Унинг замиридаги пурмаъно ҳикмат инсонни улуғлаш, оиладаги ўзаро ҳурмат ва муҳаббатни мустаҳкамлашга қаратилгандир.

Дўстим ҳақидаги хотираларни қоғозга туширяётганимда, Мустаҳкам оила йилининг яна бир мазмуни бўйбасти билан кўз олдимда намоён бўлди. Асли касби боғдорчилик агрономи бўлган, бутун ҳаётини боғ яратишга сарфлаган, сўнгги пайтда эса тадбиркор сифатида хизмат кўрсатиш соҳасига астойдил қўл уриб, шинам чойхона қуриб, ҳамқишлоқлари дуосини олаётган одам кутилмаганда оламдан кўз юмди. Юрак хасталиги ажойиб бир оила бошлиғини, дилкаш, меҳрибон отани олтмиш ёш арафасида орамиздан олиб кетди.

Комиллик иймони бутун, қалби тоза, манманлик ва такаббурликдан йироқ, ёлғончилик, айёрлик, манфаатпарастлик, дунёпарастликдан узоқ бўлган кишиларга насиб этиши бор гап. Ғам-қайғу онларида ўзинг учун азиз бўлиб қолган инсон олдида қанчалик қарздор эканлигингни сезасан. Ундан ибрат олганингни, қайсидир маънода сенга маёқ бўлганлигини ҳис этасан, нима учун буни вақтида унга айтмаган эканман, нима учун уни миннатдор қилмаган эканман, деб афсусланасан. Маҳаммадсобир Жўраев бу ҳаёт юкини елкасида мардонавор кўтариб, эл-юртга қўлидан нимаики келса, астойдил хизмат қилган ҳамқишлоқларимиздан эди.

Бундан қирқ йил аввал у Тошкент қишлоқ хўжалик олийгоҳида, мен эса ТошДУда ўқир эдим. Бир куни Талабалар шаҳарчасидан Яланғоч мавзесига тиқилинч автобусда етиб бордим. Уни институт тажриба даласида кетмон кўтариб, мевали дарахтлар остига сув тараб юрганини кўриб, «Намунча, — дедим. — бошқаларга ўхшаб, имтиҳон дафтарингизга осонгина баҳо қўйдириб олсангиз бўларди-ку...» У эгат бошини хас-хашакдан тозалаб, сувни етаклар экан, майин кулиб қўйди.

— Гўзаллик ишлайиш, манглайни терлатиш. Гўзалдир унган иш, мақтанса, ярашар, — дея шеър ўқигач:

— Қалай, — деди у виқор билан менга қараб. — Мана шу мевали дарахтлар ҳам тирик жонга ўхшайди, қарасанг — боғ, қарамасанг — доғ... Имтиҳон дафтарига қўйиладиган баҳо нима бўлибди, мен учун унчалик аҳамиятли эмас...

У икки ёни кечаси билан оқизилган сувдан қорайиб ётган эгат бошига чиққач, этикларидаги ёпишган оғир лойни кетмонида қириб ола бошлади. Унинг кўриниши ишини билиб қиладиган, ақлу қобилияти ҳар нарсага қодир, вазмин табиатли, аммо серғайрат, ишчан инсонларни эслатарди. Ич-ичимдан унга нисбатан кучли ҳавас уйғонди.

— Боғда юраверib, шоир бўлиб кетибсиз-ку, — дедим уни астойдил олқишлаб. — Агрономлик қолиб кетмайдими, ишқилиб...

— Икки соҳа одамлари эгизакдек ўхшаш, — деди у маънодор боқиб. — Шоирлар, ёзувчилар ҳам худди деҳқон, боғбон каби табиатдан куч олиб, завқланиб, нимадир яратади. Бирлари дастурхонга табиат неъматини инъом этсалар, бошқалари руҳият меваси — шеър, ҳикоялари билан инсонга руҳий озуқа беради. Демак, боғларда гап кўп, улар қанчалик гуллаб-яшнаса, қанчалик яшарса, табиат бойлигига бойлик, гўзаллигига гўзаллик қўшилади. Сиз билан бизнинг соҳамиз табаррук ҳисобланади ва буни ҳеч қачон ёддан чиқармаслигимиз керак...

Унинг доно мулоҳазаларида самимийлик, одамийлик акс этиб қолмай, биз, тенгқурларига нисбатан анчайин олдинга ўтиб кетганлиги аён бўлиб турарди. Лекин у буни ўта соддалик билан беғубор тарзда ифодалар эдики, фақат зеҳнли ва маданиятли одамларда учрайдиган ювош, мўминқобил, камтаринлик хислатларини эслатиб турарди. Тенгдошлари институтда ўқияпман, бу-олтин даврим, ўйнаб-кулганим қолади, деб ялло қилиб юрганида, институт тажриба даласида эгат оралаб сув қўйишдан чарчамаганлиги ҳали-ҳануз кўз олдимда гавдаланади. У чиндан ҳам меҳнатсевар, ғайратли йигит бўлиб камолга етганди.

Орадан йиллар бир-бирини қувлаб ўтди. Маҳаммадсобир мустақил ҳаётга кўзи пишган мутахасис сифатида кириб келди. Хўжаобод туманидаги собиқ Мадиёров номли боғдорчилик давлат хўжалигида, сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи заводда узоқ йиллар самарали ишлади. Меҳнатсеварлиги билан обрў топди. Кейинчалик шу собиқ давлат хўжалигида касаба уюшма кўмитасининг раислигига сайланди. Узоқ йиллар оммавий ташкилотнинг вазифаларини сидқидилдан адо этиб, кўпчиликнинг манфаатини ҳимоя қилди. Ёшлар орасида спорт-соғломлаштириш тадбирларини амалга оширишга бош-қош бўлди. Адир ерларни ўзлаштириш, янги боғ-роғларни кенгайтиришда унинг ҳам салмоқли улуши бор эди.

Республикамиз мустақиллигини у ҳам хурсанд кутиб олди. Президентимизнинг ғалла мустақиллигига қаратилган ташаббусини амалий ишларда қўллаб-қувватлашни истар ва бу эзгу ниятни фермерчилик ишида кўрсатишга интиларди. Боғларнинг кўпайишига қаратилган тадбирлар уни, айниқса, севинтирарди. Қўлида боғ қайчиси билан қишлоқдан анча наридаги боғларда қишин-ёзин кўчат оралаб юрган пайтлари кечагидек кўз олдимда. «Давлатимиз бизга ишониб ерни узоқ муддатга фойдаланишга берди, бунга, албатта, кўнгил қўйиб ишлаш керак ва ишончни оқлаш лозим...» Унинг мақсади сари қатъий интилувчанлиги ва бунинг учун барча ҳузур-ҳаловатдан воз кечишга тайёрлиги ҳавасни келтирарди. Вақтини беҳуда ўтказмаслиги, ҳар бир кун, соат қадрли эканлиги ҳақида гапирмаса-да, аммо унинг юриш-туришида, тутган тутумида, амалий ишларида бунга астойдил риоя этишини пайқамаслик мумкин эмасди. Худди институт тажриба даласида бўлганидек, ишлашдан лаззат топарди, чамаси. Унинг хонадонига бориб қолганимизда ҳам, бекор ўтирмай, ҳовли ишларига банд бўлиб юрганлигига ҳавасимиз ортарди. Томорқасидаги турли сабзавот экинларининг барқ уриб ўсиб ётганлиги, баланд кўтарилган токларнинг серҳосиллиги кўзни қувонтирар ва бунда оила бошлиғининг тиниб-тинчимаслиги сезилиб турарди.

Унинг қўли очиқлиги, сахийлиги ҳам тарбия мактаби эди. Одам тафтини одам олади, уйингга меҳмон келмай қолса, бу оила бошлиғининг жиддий камчилигидир, деган ўзига хос фалсафаси ҳам бор эди. Ота ибрати болалар учун сабоқ бўлишида уйда меҳмон кутиш, меҳмон кузатишнинг аҳамияти катта, деб айтарди. Катталарнинг дастурхон атрофида ичкиликсиз ўзаро самимий суҳбатини болалар кузатиб туришади, нимадир олишади. Бу ҳам болаларни тарбиялашнинг ўзига хос йўли эканлигини унинг оилапарварлигида яққол кўриб турардик. Ҳа, у бахтини ўз қўли билан яратганди. Рафиқаси Мавлудахон билан тотув умргузаронлик қилиб, тўрт фарзандни тарбиялади. Ўзларига ўхшаш оқил инсонлар билан қуда бўлишди ва чинакам оила бахтини кашф этишди.

Юртимиздаги тадбиркорлик ҳаракатидан қувониб яшарди у. Айниқса, хизмат кўрсатиш тизимини кенгайтиришга қаратилган Фармон ва қарорлар янги иш ўринларини кўпайтиришга ижобий таъсир кўрсатаётганини мамнунлик билан таъкидларди. У катта йўл бўйини ободонлаштириш ва сўлим чойхона очиш тўғрисида маҳаллий ҳокимиятга ариза билан мурожаат қилди. Ундаги ташаббускорлик, меҳнатсеварлик ҳисобга олиниб, аризаси қаноатлантирилди. Нияти яхши бўлгани учунми, ўғли Олмосбекни ёнига олиб, набиралари билан ташландиқ ерни тартибга келтириб, мўъжазгина боғ яратди ва чойхона ташкил этди. Одамларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиши ва кўнгилли ҳордиқ чиқариши учун нима зарур бўлса, амалга оширди. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига ўрнатилган ёдгорлик атрофига файз кирди. Маҳаммадсобир бу ерни Булоқбоши туманининг энг яхши масканларидан бирига айланиши учун кўп режаларни пишитиб, банкдан имтиёзли кредит олиш ҳаракатига тушиб қолганди. Дастлабки амалий қадамларни ҳам ташлашга улгурганди. Эвоҳ, бевақт ўлим... бир инсон орзуларини ўзи билан олиб кетди... Уни сўнгги йўлга кузатишга кўп одам келди, эзгу ишларини эслаб ўтиришди. Қабристонда кимдир: «У қандай одам эди?» — деган саволни баралла овозда берди. Бутун эл: «Яхши одам эди, савобли ишлари билан қалбимизда қолади!» — деб жавоб қайтарди. Бутун борлиқ шу жавобни такрорлаётгандек, қулоқларим остида ҳамон эшитилиб туради.

P.S. Оилада бевақт ўлим бўлмасин, болалар оталардан, оталар болалардан ажралиб қолмасин. Бу ҳаётда муносиб яшаган гўзал хулқли инсонлар доимо эслаб турилсин. Уларнинг орзу-армонларини болалар, албатта, амалга оширишга қодир бўлсинлар! Мустаҳкам оила йилининг яна бир маъноси шунда эмасми!

Қадриятларимиз

Аҳоли касаба уюшма ташкилотлари фаолиятидан

1500 ўқитувчи ишдан бўшатилади

АҚШнинг Нью Йорк шаҳрида ўқитувчиларнинг оммавий равишда ишдан бўшатилиши ҳақида хабарлар пайдо бўлди. Шаҳар ҳокимлиги ўқувчиларнинг билим даражаси пастлигидан норози ва яқин даврда таълим соҳасида ислоҳот ўтказишни режалаштирмоқда.

Ислоҳот натижасида малакаси паст деб топилган 1500 ўқитувчи ишсиз қолиши мумкин. Шунингдек, шаҳардаги аҳволи ночор деб топилган ўттиз учта бепул таълим берувчи мактаб фаолияти тўхтатилади. Хабарларда ёзилишича, ушбу мактаблар битирувчиларининг атиги 21 фоизи коллежларга ўқишга киришга тайёр, холос. Шаҳар ҳокимлиги маъмуриятининг бу қарори АҚШ ўқитувчилар касаба уюшмасида норозилик уйғотган.

Ёпилиши кутилаётган мактаблардаги ўқувчилар бошқа ўқув муассасаларига тақсимланади, ўқитувчилар эса қайта аттестациядан ўтказилади. «Ўқувчиларни синовдан ўтказиш эмас, ўқитиш керак! Мактабларимиз ходимлари ўзларининг асосий бурчларини унутиб қўйишди», — дейди АҚШ таълим вазирлиги вакили Рэнди Вайнгартен.

Фаолият самараси паст бўлган мактабларни қайта ташкил қилиш АҚШ федерал ҳукумати дастурининг бир қисмидир. Бу чораларни амалга ошириш учун Вашингтон 60 млн. доллар ажратган.

«Electrolux» ходимлари норози

Шимолий Руминиянинг Сату Маре шаҳрида жойлашган «Electrolux» хўжалик техника жиҳозлари ишлаб чиқариш компаниясининг 860 нафардан ортиқ ишчиси норозилик эълон қилиб, ишга чиқмади.

Компания касаба уюшмаси етакчиси Сорин Фаурнинг сўзларига қараганда, ишчилар маъмуриятнинг меҳнат шартномаларини қайта тузишдан бош тортгани ва уларнинг корхонадаги ҳақ-ҳуқуқларини ўта чеклаб қўйганидан норози.

Шунингдек, корхона касаба уюшмаси ишчи-ходимларнинг ойлик маошларини 24 еврога оширишни талаб қилмоқда.

Денгизчиларга қарийб 9000 АҚШ доллари ундириб берилди

Россия денгизчилар касаба уюшмасининг Узоқ Шарқ ҳудудий ташкилоти ўтган йилда денгизчиларнинг иш ҳақи ва шу билан боғлиқ масалалар юзасидан қилган мурожаатлари бўйича 827 минг АҚШ долларига тенг маблағ ундириб берилган. Россия денгизчилар касаба уюшмаси (РПСМ) раиси ўринбосари Николай Сухановнинг таъкидлашича, бу кўрсаткич 2010 йилдагига нисбатан 40 минг АҚШ долларига ошган.

«2011 йилда Россия денгизчилар касаба уюшмасининг Узоқ Шарқ ҳудудий ташкилотига денгизчилар ва уларнинг оила аъзоларидан 60 га яқин мурожаат бўлди. Турли кемаларда хизмат қилаётган экипаж аъзолари асосан маошларнинг кечикиши ёки умуман тўланмаслигидан, шунингдек, бундай ҳоллар юз берганда қонун томонидан товон пули тўлаш кўзда тутилмаганидан шикоят қилишади. Натижада, касаба уюшмасининг аралашуви билан суд орқали 827 минг АҚШ доллари денгизчиларга ундириб берилди», — дейди Суханов.

«Бундан ташқари, касаба уюшмамиз фаолиятининг 2011 йилдаги муҳим қадамларидан бири — денгиз кемалари экипажи аъзоларига диплом бериш тартиби тўғрисидаги ҳужжатни татбиқ қилинишдан тўхтатиб, қайта кўриб чиқишга юборилишидир. Ушбу ҳужжатга кўра савдо флотининг ўрта махсус таълимга эга кема бошқарувчилари узоқ мамлакатларга сафарга чиқиш ҳуқуқига эга эмас эди», — деди у.

Интернет хабарлари асосида Ж.ЮНУСОВ тайёрлади

Маҳамаджон МАНСУРОВ, Тошкент шаҳар 12-ҲЕХО смена бошлиғи, капитан

Тилсиз ёв билан курашиш, «Ўз уйингни ўзинг асра», деган шиор ҳар бир фуқаро, оила, корхона, муассаса учун таллуқлидир. Азиз ҳамюртлар, қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилайлик:

Эҳтиёткор бўлайлик

— Электр ва газ асбобларини доимо соз ҳолда тутиш, носоз ҳолдаги ҳамда қўлбола тайёрланган электр ва газ асбобларидан фойдаланмаслик;

— болаларни назоратсиз қолдирмаслик ҳамда уларни гугурт ўйнаши ва очиқ оловдан фойдаланишига йўл қўймаслик;

— газ узатқичдан ва анжомларидан газ сизиб ўтиш-ўтмаслигини текшириш учун уланган жойларга ёниб турган гугуртни яқинлаштирмаслик;

— газ плиталари ва ўчоқлари олдида тез аланга олувчи суюқликларни сақламаслик;

— уйларнинг чордоқларида тез ёнувчан буюмларни сақламаслик;

— бир вақтнинг ўзида бир неча маиший электр асбоб-анжомларини разеткага улаб фойдаланмаслик;

— қозонда қиздирилаётган ёғни назоратсиз қолдирмаслик керак.

Ҳеч кимга сир эмаски, совуқ кунда ҳар бир инсон ўз уйини иситишга ҳаракат қилади. Аксарият ҳолларда айрим фуқароларимиз қўлбола ясалган газ ва электр ускуналаридан фойдаланишлари натижасида нафақат уйларидан ажралиб қолмоқдалар, балки ўз ҳаётларига ҳам зомин бўлмоқдалар. Юқорида кўрсатиб ўтилган ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинсагина унинг олдини олиш мумкин.

спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт ● спорт

Бўлажак чемпионлар

Президентимизнинг 2011 йил 19 январда қабул қилинган «2011-2013 йилларда республикада футболнинг моддий-техника базасини янада мустаҳкамлаш ва уни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори миллионларнинг севимли ўйини — футболни янада кенгроқ оммалаштиришда муҳим омил бўлмоқда.

Жамшид НОРҚОБИЛОВ (ЎзА) олган суратлар

Қашқадарё вилояти «Насаф» футбол клуби қошидаги футбол мактабида ҳам истеъдодли спортчиларни тарбиялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. 670 дан зиёд бола тарбияланаётган мактабда барча қулайликларга эга замонавий ўқув бинои, спорт майдонлари, 70 ўринли ётоқхона ва ошхона мавжуд. Машғулотларни тажрибали мураббийлар томонидан юқори савияда, илғор усуллар асосида олиб борилиши ёш футболчиларнинг куч ва салоҳияти, ўзига бўлган ишончини оширмоқда.

Суратларда: мураббий Нурали Султонов (чапдан иккинчи) шогирдлари билан; ёш футболчи Азиз Ғаниев.

Муҳаммаджон МАҲМУДОВ, Марғилон шаҳри

«Соғлом авлод» кубоги учун

Марғилон шаҳридаги «Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси ташаббуси билан 1999-2000 йилда туғилган ўғил ва қиз болалар ўртасида стол тенниси бўйича мусобақа ўтказилди. Унда шаҳардаги мактабларнинг ўқувчилари қатнашди.

Қизғин ўтган мусобақаларда 8-мактаб ўқувчилари Мўмин Шерматов, Ҳасанбой Охунов, 19-мактаб ўқувчиси Одинахон Аҳмедова ҳамда 4-мактаб ўқувчиси Одинахон Акрамова вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Ғолиблар диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

«Камолот» шахмат тахтаси

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббуси билан шахмат бўйича ўтказилаётган «Камолот» шахмат тахтаси» мусобақасининг Фарғона вилоят босқичи якунланди.

Мусобақаларда Марғилон шаҳар ёш шахматчилари фаол иштирок этиб, барча гуруҳларда ғолибликни қўлга киритдилар. Хусусан, 13-16 ёшли мактаб ўқувчилари ўртасида Иброҳим Эминов, Сардор Ёқубжонов, 6-12 ёшлилар орасидан Бурҳониддин Нурматов, Асадулло Абдуллаев, Робия Мамажонова вилоят биринчилиги ғолиби бўлишди.

Коллеж ва академик лицей ўқувчилари ўртасидаги беллашувларда ҳам марғилонликлар устун келишди. Қурилиш коллежи ўқувчиси Ҳумоюн Набиев, академик лицей ўқувчиси Арофат Шамсиева ва педагогика коллежи ўқувчиси Манзура Қодирова ғолиб топилишди.

Улар мамлакатимиз биринчилигида иштирок этиш учун йўлланмага эга бўлдилар.

Бокс бўйича очиқ турнир

Марғилон шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида боксни ривожлантириш мақсадида вилоят миқёсида очиқ турнир ўтказилди. Унда 150 нафардан зиёд иқтидорли ёш боксчи иштирок этди.

2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчилари Аҳад Мамадалиев ва Ихтиёр Тиллаволдиев ўз вазн тоифаларида ғолиб бўлишди.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат Божхона қўмитасининг Тошкент вилояти бошқармасининг 21.01.2012 йилдаги 03-3/22-529-сонли хатига асосан Чирчиқ шаҳар «Хусайн Мирзо» ШКни божхона омборида сақланаётган «PEUGEOT-406» русумли, 2004 йилда и/ч, кузов №VF38B6FZF4S502051, ранги серебристый-металлик, двигатель №10LT170952534 бўлган автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 22 200 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 29 феврал куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 27 феврал куни соат 18:00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 29 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 5 ва 12 март кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 5 мартдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 2 март куни соат 18:00; 12 мартдаги савдолар учун 9 март куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Автотранспорт воситасининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор туман, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.

«Respublika mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига «O'RTA OSIYO TRANS CTL» Шўъба корхонаси 18.07.2008 йилдаги 55-П-сонли буйруғи ва «O'RTA OSIYO TRANS» ДАК Бошқарувининг 24.10.2011 йилдаги 15-П/2011-сонли йиғилиш баённомаси ҳамда «O'RTA OSIYO TRANS CTL» ШКнинг 23.01.2011 йилдаги 20-ЗТ/28-сонли хатига асосан Тошкент шаҳар С.Олимов кўчаси 24-уй манзилда сақланаётган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

1) ДЭУ «Принц» русумли, д/р 10 АО 770 бўлган 1996 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 198 594,24 сўм;

2) «Доган S» русумли, д/р 10 ВВ 313 бўлган 1994 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 372 777,13 сўм;

3) «УАЗ-315142» русумли, д/р 01 310 САА бўлган 2002 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 2 429 133,92 сўм;

4) «Ивеко М-24» русумли, д/р 10 AS 001 бўлган 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 7 469 640,47 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 29 феврал куни соат 12:00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 27 феврал куни соат 18:00.

Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 29 февралдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 5 ва 12 март кунлари соат 12:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2012 йил 5 мартдаги такрорий савдолар учун 2012 йил 2 март куни соат 18:00; 12 мартдаги савдолар учун 9 март куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситаларининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Respublika mulk markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036, ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Олмазор туман, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2012-yil 26-yanvar № 13 (3050)

Қарор ва ижро

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш борасида Фарғона вилоятида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ЮКСАК ЭЪТИБОР ИЗЛАНИШГА УНДАЙДИ

Риштон туманида 2011 йили қуриб, фойдаланишга топширилган 21-болалар мусиқа ва санъат мактаби ёш истеъдодларни тарбиялашга хизмат қилаётган таълим масканларидан. Замонавий лойиҳа асосида бунёд этилган санъат даргоҳида 230 дан зиёд ўғил-қиз ўзбек чолғу созлари, фортепьяно, анъанавий хонандалик, мусиқа назарияси, тасвирий санъат, нақкошлик, бадиий кулолчилик ҳамда хореография йўналишлари бўйича сабоқ олмоқда. Ёшлар мусиқа ва санъатнинг сир-асрорларини пухта ўрганиб, ўз истеъдодларини юзага чиқаришлари учун бу ерда қулай ижодий муҳит яратилган.

Суратларда: Бадиий кулолчилик бўйича ўқитувчи Носир Мадаминов шогирди Машҳурбек Мамажонов билан; фортепьяно ўқитувчиси Эльвина Эмирсуинова.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

■ Барно СУЛТОНОВА

Агар инсонда бирор нарсага астойдил интилиш ва хоҳиш бўлса, ҳар қандай тўсиқни енга олади. Шоҳруҳ Қодиров ҳам ана шундай иродаси мустаҳкам, бир сўзли ва мақсади аниқ ёшлардан.

Истеъдод гулшани

Юрт мадҳини куйга солиб...

Миробод туманидаги «Олмазор» маҳалласида яшаб келаётган Шоҳруҳ Қодиров болалигидан санъатнинг сеҳрли оламига қизиққани боис, яширинча мусиқа тўгарагига қатнаб юрди. Чунки...

— Очиғи, фарзандимнинг, ҳуқуқшунос ёки иқтисодчи бўлишини истаган эдим. Ўғлимнинг ўз ниятида собит турганини кўргач, барча имкониятларни яратдик, — дейди унинг онаси Мамлакат Муродова. — Оилада санъаткор бўлгани яхши экан. Мана, биз ҳам қўшиқ эшитиб, ундан баҳра олишни ўрганяпмиз. Айниқса, ишдан чарчаб келганимда ўғлимнинг машқ қилаётганини кўрсам, ёқимли куй ва қўшиқ таъсирида чарчоғим чиқиб кетади. Унинг «Ўзбекистон» қўшиғини тинглаганимда, беихтиёр она юртимизга бўлган меҳрим янада жўш уради: фарзандимнинг Ватан мадҳини ёниб куйлаётганидан фахр ҳиссини туяман. Ўғлим ҳозирда Республика эстрада-цирк коллежининг эстрада хонандалиги бўлими битирувчиси.

Ҳа, ёшларнинг истеъдоди юзага чиқишида атрофдагиларнинг қўллаб-қувватлаши, кўмаги жуда муҳим. Айниқса, бу борада устоз ва мураббийларнинг ўрни бўлакча.

— Ғафур Ғулом номидаги маданият уйида ҳудудимиздаги бир неча маҳаллаларнинг болалари иштирок этади, — дейди маданият уйи вокал бўлими бошлиғи Тоҳиржон Аҳмедов. — Уларнинг ҳар бирида мусиқанинг қайсидир йўналишига қизиқиш бор. Шоҳруҳни мактаб давриданоқ биламан. У бу ерга қатнаб юриб пианино, рубоб, танбур чалишни ўрганди. Санъатга бўлган меҳри туфайли «Ниҳол», «Ягонасан, муқаддас Ватан!», «Нафосат бўстоним менинг» каби кўрик-танловларда қатнашиб, туман ва шаҳар босқичларида фахрли ўринларни эгаллади.

Шоҳруҳ биз билан суҳбатда юрагини очиб, шундай деди:

— Менга устоз санъаткорларнинг қўшиқларини куйлаш жуда ёқади. — Мумтоз қўшиқлардан «Мастоналарга», «Фигонким», «Ўртар», «Оҳиста-оҳиста» кабиларни турли тадбир ва байрамларда ижро этаман. Таниқли санъаткорлар Озодбек Назарбековнинг қўшиқ айтиш услуби, айниқса, ёқади. «Ўзбекистоним», «Карвон», «Эй, Сен шўхи жонона» кабилар эса ўзимнинг илк қўшиқларимдир. Дадам ҳам ижодкор бўлгани учун шеър танлашда яқиндан ёрдам беради. Шеърнинг мазмуни куйга тушадими, йўқми, тумтоқроқ ёки енгил-елпи эмасми, буларнинг барчасини эринмасдан тушунтиради ва «ташқи қиёфангни одамлар танимаса ҳам айтаётган қўшиғинг орқали сени яхши билишсин», дея ҳар доим таъкидлайдилар.

Республика эстрада-цирк коллежи директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Карима Зарипова, фортепьяно ўқитувчиси Ёқутхон Фармонова, вокал бўлими бошлиғи Нодира Аҳмедова ҳамда туман маданият уйи раҳбари Абдуқаюм Акбаров ва устозим Тоҳиржон Аҳмедовлардан бир умр миннатдорман. Улар ўргатишдан эринишмайди, оғринишмайди ҳам.

Табиатан камгап Шоҳруҳ «бўш вақтингизни қандай ўтказасиз», деган саволга «Бўш вақт дегани, бу ўртоқларим билан бир-биримизнинг уйимизга бориб мусиқа билан шуғулланиш — қўшиқ айтиб, куй чалишдан иборат бўлади», деди жилмайиб.

Изҳор

■ Феруза ЭРМАТОВА, Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мутахассиси

«Дунёдаги жамики эзгуликнинг сабабчиси ким», деб сўрашса, ҳеч иккиланмай «Аёл!» деб жавоб берардим. Аёл она сифатида ҳаётнинг боқийлигини таъмин этса, севимли ёр, меҳрибон опа-сингил бўлиб яхшиликни касб этади. Саришталигидан олам ёруғ, бокиралигидан борлиқ гўзал. У бармоқларини югуртирса, ҳатто кераксиз мато парчаларидан гўзал буюмлар пайдо бўлади. Хонадонлар қимматбаҳо жиҳозлар билан эмас, аёл билан файзли. Дастурхон қамтарона безатилган бўлса-да, унда аёлнинг қўли борлиги сезилади.

Онажоним...

Онажоним ҳам шундай аёл. Кўксига бошимни қўйсам, олам меҳрга тўлгандай туюлади. Онам жилмайса, жаҳон кулгандай бўлади. Унинг далдаси билан ишларим юришади.

Ёшим ўттиз бешдан ошди. Аммо онамнинг ҳузурида ҳамон боладекман. Ҳамиша меҳрибон, мулойим табиатига, феъл-атворига ҳавасим келади. Отам билан қирқ йилга яқин турмуш қуришган. Аммо бешафқат ажал отамни олиб қўйди. 5 йилдирки, онаизорим ҳам ота, ҳам она. Ўзи дардманд бўлишига қарамай, доимо бизнинг соғлигимизни ўйлайди. Уйга меҳмон келса, ёш боладай қувонади.

Яна қайси фазилатларини айтай. Ёзаверсам, қоғоз етмаса керак. Дунёдаги жамики оналар ҳамиша омон бўлсин. Улар бор экан, фарзандлар қўнгли бут!

■ Адҳам АРСЛОНОВ, журналист

Бургага аччиқ қилиб...

«Ishonch» газетасининг 2012 йил 19 январ 9-10 сонида чоп этилган Эркин Абдуллаевнинг «Ҳар ким ўз тақдирининг меъморидир» мақоласини ўқиб чиққач, бизда ҳам айрим мулоҳазалар туғилди. Мақолада долзарб мавзу атрофида фикр юритилгани таҳсинга сазовор.

Муаллиф янги статистик маълумотлар келтириб, ижтимоий тармоқлар (Facebook.com, Odnoklassniki.ru, Moy mir.ru ва ҳоказо)да кўп вақтини ўтказаётган ёшларни тўғри йўлга чорлаган. Тўғриси, бундай салбий ҳолатларга биз ҳам кўп маротаба гувоҳ бўлганмиз. Лекин масаланинг бошқа жиҳатларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак.

Масалан, ижтимой тармоқлардан фойдаланаётганларнинг катта қисми узоқ ва яқиндаги дўстлари, оила аъзолари билан доимий мулоқотда бўлишади. Жумладан, мен ҳам кўпчилик касбдош ва дўстларим билан ижтимоий тармоқларда тез-тез фикр алмашиб тураман. Ёзмоқчи бўлаётган мавзуларимни таҳлилдан ўтказиб оламан. Яна бир қулайлик: дўстим Германияда таҳсил олаяпти. У билан куни кеча agent.mail.ru хизмати ёрдамида қўнғироқлашдик. Бу — текин хизмат. Германияга қўнғироқ қилиш (хоҳ шаҳар, хоҳ уяли

Муносабат

алоқа воситасидан) анчагина қимматлигини гапириб ўтириш шарт эмас. Бундан ташқари, дунёда содир бўлаётган воқеалардан яшин тезлигида хабардор бўлиш имконияти ҳам бор.

Эркин Абдуллаевни ташвишга солган ҳолат (кўп вақт ва соғлиқни йўқотиш) кўпчиликни ўйлантирмоқда. Айрим давлатларда иш вақтида ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш тақиқланди. Чунки фойдали иш коэффициенти тушиб бормоқда.

Таълим тизимида эса ижтимоий тармоқлардан фойдаланишнинг пайти келмадими?! Масалан, инглиз тилини биладиган бир дўстим Odnok- lassniki.ru ижтимоий тармоғида ўз гуруҳини тузди ва кўпчиликка инглиз тилини ўргатмоқда.

Бизнингча, ота-оналар томонидан бу ижтимоий тармоқларда суҳбатлашишни тақиқлашга уриниш акс таъсир беради. Чунки, тақиқланган мевани ейишга қизиқиш инсониятга Одам Атодан мерос. Ёшлар психологияси деган гаплар ҳам бор. Уларга оид иборамиз ҳам тузуккина: ерга урсанг, кўкка сапчийди.

Шундай экан, ёшларни тўғри ва ахлоқий тарбиялашда барчамизнинг катта-кичик вазифаларимиз (тўғри ва ҳаётий тушунтириш, миллий қадрият ва ўзбекона ахлоқни онгига болалигидан сингдириб бориш, интернетдан тўғри ва унумли фойдаланишни ўргатиш ва ҳоказолар) борки, уларни адо этмай туриб, бирор натижага эришиш мушкул.

■ Сайёра ШОДИЕВА, «Ishonch» мухбири

Илм фазилатми?

Бу саволга кўпчилик «Илм эгаллаш — фазилат» дея жавоб бериши аниқ. Дарҳақиқат, фазилат илм туфайли пайдо бўлади. Бироқ мия ўзлаштирилган илмни ўзида жамлаб олувчи «компютер» вазифасини ҳам бажариши мумкин. Руҳият, қалб, илм. Негадир, фазилат деганда руҳият ва қалбни ҳис қиламан. Баъзан қайсидир инсоннинг хусусиятлари таърифланса, руҳи тоза, қалби пок деган сўзларни ёки бунинг аксини тилга оламиз.

Демак, илм ҳар доим ҳам инсоний фазилатни белгиловчи жиҳат эмас. Ўтмишга назар солсак, бунга амин бўламиз. Албатта, бу масалага бир ёқлама ёндашиш тарафдори эмасман. Чунки шиддат билан ўзгараётган бу тезкор техника асрида илмсиз ҳаёт кечиришни тасаввур қилолмаймиз. Оддий мисол, аслида мўъжиза, бироқ биз учун оддий аслаҳа бўлган уяли телефон аппаратини бошқариш учун ҳам етарли кўникма ва малакага эга бўлиш лозим.

«Олим бўлиш осон, аммо одам бўлиш қийин», мақоли барчамизга ёд бўлиб кетган. Ўқувчилик давримизда ҳам моҳиятини теран ҳис қилмасак-да, бу мақолни кўп такрорлардик. Баъзан ўқитувчимиз қобилияти суст синфдошимизни: «Сен одам бўлмайсан», дея койирди. Шундай лаҳзаларда «аълочи» — «одам бўладиган»лар ажиб бир мамнуниятни ҳис қилган ҳолда тебраниб қўйишарди.

Йиллар ўтди. «Одам бўлган» аълочилар ҳам, одам бўлмаслиги «башорат» қилинган синфдошлар ҳам ҳаётда ўрнини топишгандир. Ҳозирда уларнинг ҳаёт тарзидан етарлича хабардор эмасман. Бироқ қай бирида инсоний фазилат юксакроқ эканлиги ҳақида гоҳида ўйлаб қоламан. Зоҳиран ҳамма одам бўлиб яшаяпти. Ботинан эса тулки ва бўри қаршисида ип эшолмайдиган кимсалар қанча.

Фаросатли ва фаросатсизлик, инсонни қалбан ва руҳан англаш ҳам илмга боғлиқмикин? Ҳар ҳолда «илмли»лар орасида бу жиҳатлардан бебаҳралар сон-саноқсиз.

Комиллик ҳақида-ку гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Чунки бу ҳаммага ҳам насиб қилмайди. Аллоҳ назари тушган ориф зотлар, авлиё ва донишмандлар бундан мустасно. Кулгили томони, бундай зотлар ҳақида айримларимиз тўлибтошиб гапириш орқали ўзимизнинг билимли, оқиллигимизни исботламоқчи бўламиз. Бироқ баъзан фаросатсизлик ва инсон қалбини ҳис қилмаслигимиз туфайли кимларнидир ранжитиб қўямиз ёки ғашига тегамиз.

Мулоҳаза

«Бешикдан то қабргача илм ўрган». Бу кашфиётнинг изидан қувиб олимлик мартабасига эришиш дегани эмасдир. Илм — мукаммал инсон бўлиб шаклланишга даъват этувчи восита.

Зийраклик кишиларнинг бир-бирини англаб, ҳис этиб яшаши учун зарур. Инсонни қадрли қиладиган ҳам, қадрсиз қиладиган ҳам — сўз. Ўзимизни ҳам, сўзимизни ҳам қадрлаб яшашни унутмасак бўлгани.

Фазилатни шакллантирган, инсонни маънан ва руҳан юксалтиришга хизмат қилган илм таҳсинга лойиқ. Одамийликни унутишга сабаб бўладиган илм эса асло фазилат эмас.

Албатта, бу хулоса ўқиб уқимаган, ўз илмига амал қилмайдиганларга тегишли.

■ Дилнавоз КАМОЛОВА, Навоий ДПИ физика-математика факултети 4-босқич талабаси

Пойтахтимизда бўлиб ўтган «Келажак овози — 2011» республика ёшлар танловининг якуний босқичида вилоятимиздан 41 нафар ўғил-қиз турли йўналишдаги ўз лойиҳа ва ижодий ишлари билан иштирок этишди.

Эътироф

Ғолиблар сафидамиз

Навоий КМКга қарашли 5-кон бошқармаси мутахассиси Илҳомжон Раҳматов, Навоий маданият ва санъат коллежи ўқувчиси Озоджон Неъматов, Навоий шаҳрида яшовчи Достон Музаффаров номинациялар бўйича ғолиблар сафидан ўрин эгаллашди. Танловда Навоий давлат педагогика институтидан мен ва Шоҳижаҳон Рашидов иштирок этгандик. Изланишларимиз «Меҳр нури» жамғармаси стипендиясига лойиқ топилди. Яна бир тенгдошимиз — Навоий давлат кончилик институти талабаси Азамат Исамов эса ўқиш шартномасини тўлаш бўйича «Фонд Форум»нинг грантини қўлга киритди.

Диплом ва эсдалик совғалари билан шаҳримизга қайтар эканмиз, биз ёшлар учун мамлакатимизда яратиб берилаётган шароитлар, кенг миқёсдаги имкониятлардан беҳад қувондик. Бу йил ҳам янги зафарларни қўлга киритишда бор билим ва кучимизни аямаймиз.

Атрофимиздаги олам

Тириклик улуғ неъматдир

■ Наргиза АСАДОВА

Юртимизда ноёб ҳайвонлар йўқолиб кетишининг олдини олиш, уларни кўпайтириш учун махсус қўриқхоналар барпо этиш ҳукуматимиз эътиборида. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тувалоқларни кўпайтириш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан, Қизил китобга киритилган ёввойи паррандаларнинг ноёб турларини сунъий кўпайтиришга шароит яратиш, мамлакатимиздаги генофондни сақлаш каби ишлар изчиллик билан олиб борилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон давлат табиат музейи ва Навоий вилоят тарихий ўлкашунослик музейи ҳамкорликда ҳудуддаги тувалоқларни сақлаш марказида илмий экспедиция ташкил этилди. Натижада марказ томонидан музейга 4 дона тувалоқ тухуми тақдим этилди.

Табиат музейи томонидан Сармишсой табиий археология мажмуаси музей-қўриқхонасида ташкил этилган экспедицияда эса флора ва фауна дунёси, аждодларимиз томонидан чизилган қоятош суратлари билан яқиндан танишиш, улардан видеотасвирлар олиш ишлари амалга оширилди. «Жайрон» экомарказидаги жайрон, қўлон ва Қизил китобга киритилган бошқа ҳайвонларни давлат томонидан ҳимояланиши илмий изланишларга замин яратди.

— Вазирлар Маҳкамасининг «2008-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишлари дастури тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўрмон хўжалиги бош бошқармаси ҳузурида Қуйи Амударё Давлат биосфера резервати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорлари асосида олиб борилаётган ишлар билан танишиш, илмий ўрганиш, уларни музей-қўриқхоналар, вилоят Ўлкашунослик музейларининг экспозицияларида намойиш этиш айнан эспедициялар таркибида амалга оширилди, — дейди Ўзбекистон Давлат табиат музейи директори Зубайдулла Каримов. — Ҳозирда мазкур илмий экспедициялар натижасида йиғилган маълумотлар, фотосуратлар умумлаштирилиб, мавзуга доир алоҳида фотоалбом, китоб, илмий-услубий қўлланма сифатида чоп этилмоқда.

Дарҳақиқат, дунё мамлакатлари ўз ҳудудини техника тараққиёти асоратларидан ҳимоялаётган бир пайтда, музейларнинг экологик мувозанатни сақлаш ва табиатнинг нодир намуналарини асраш бўйича олиб бораётган фаолияти алоҳида эътиборга лойиқ.

Insonga naf keltirish — oliy baxt
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi — Federation of Trade Unions of Uzbekistan

Muassis:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:
Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:
Normamat ALLAYOROV, Muhammad Ali AHMEDOV, Oksana BELAUSOVA, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Baxtiyor MAHMADALIYEV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Eson RAJABOV, To'lqin TESHABOYEV, Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:
Andijon + 99897 465 05 68;
Buxoro + 99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy + 99894 226 28 84;
Namangan + 99897 491 79 28;
Samarqand + 99866 708 70 12;
Surxondaryo + 99897 458 05 07;
Farg'ona + 99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi: 133

Navbatchi muharrir: A. Qodirova
Navbatchi: U. Ibodinov
Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teridi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H. Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
ISSN 2010-5002

Bosishga topshirish vaqti - 21. 00
Topshirildi - 21. 00

Buyurtma Г — 111
22523 nusxada bosildi
2345